

АМЕРИКА ДЕТЕКТИВ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР ВА ИНСОН ХУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530369>

Ниязов Равшан Туракулович

ЎзДЖТУ “Инглиз тили назарий

аспектлари № 3”кафедраси

в.в.б профессори

Аннотация

Мақолада замонавий Америка адабиёти юридик детектив асарлардаги суд жараёнлари ва уларнинг бадиий хусусиятлари муҳокама қилинган. Унинг асарлари америка реал воқеълигининг актуал ва мураккаб ижтимоий муаммолари, ирқий муносабатлар, ўлим жазоси, коррупция мавзуларига урғу берилади, суд жараёнлари, юридик ва ҳукумат тизим фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни батафсил ёритади. Адабиётшунослар ва адабий танқидчилар Жон Гришэмни Америка детектив адабиётининг йўналиши бўлмиш юридик детектив ривожига улкан ҳисса қўшганлигини алоҳида эътибор билан тилга олишади.

Калит сўзлар

юридик термин, детектив, суд жараёни, роман, ижтимоий ва сиёсий муаммолар, фалсафий қарашлар, қиёсий таҳлил.

Жаҳон адабиётшунослигидаги ўзгаришлар юридик детектив асарларнинг ғоявий мазмуни ва мавзу қамровини кенгайтириш баробарида ёзувчи адибларнинг жиноят ва тергов жараёнларини ифодалашдаги индивидуал бадиий услубидаги ранг-баранглигини юзага келтирмоқда. Бу эса инсон руҳияти ва маънавий оламини турли ракурсларда таъсирчан ва ишонарли таҳлил этишга имкон берувчи янгича бадиий маҳоратнинг кенгайишига имкон яратди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида юридик детектив асарнинг бадиий хусусиятларини ёритиб бериш, унинг илмий-амалий хусусиятларини таҳлил этиш сингари устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот натижаларидан келиб чиқиш айтиш мумкинки, юридик детектив асарнинг ривожланиш формуласи турли хил жузъий ўзгаришларни қўллаш натижасида содир бўлади, янги усулдаги қотиллик ёки жиноятчи шахсиятини ўзига хос яшириш усуллари, жиноят очилишидаги аналитик-

изкуварнинг қўллаган янгича усул, услублари билан китобхонни муқаррар таништириш устувор аҳамият касб этади.

Юридик детектив асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда адолатни тантана ёки қарор топишида юридик детектив профессионал юрист образи гавдалантирилади - у жинойтни тергов ва тафтиш жараёнида нафақат ўзининг аналитик қобилиятлари таянади балки касбий фаолиятни тартибга солувчи турли туман қонун ва қонун ости ҳужжатларига ва юридик касб этикаси меъёрларига суянади. Шунингдек, юридик детектив асарнинг пайдо бўлиши ва унинг бош қаҳрамони сифатида айнан юрист образи гавдалантирилиши америка детектив адабиёти орқали давлатнинг ҳуқуқий тизимини баҳолаш, ижтимоий-тарихий сабабларни кучини аниқлашга, фуқороларнинг ҳуқуқий онгини даражасини янада юксалтиришга бўлган эҳтиёж туфайли амалга ошганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Шунингдек, 1990 йилларга келиб америкаликларнинг суд, жинойтчи, юрист, судьяларга бўлган катта эътибори бу халқ маданиятининг ажралмас қисмига айланган эди. Чунки давлат конституциясида фуқороларга жуда катта ҳуқуқлар берилган.

Америкаликлар бир нарсага яъни “Агар кимдир бошқа инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солса албатта уни жазо кутишига қатъий ишонадилар (чунки бундай инсонга нисбатан қонуний жавобгарлик қўлланилади)” [2; Б. 3-12]. Улар ўзларини эркин фуқаро сифатида ҳисоблаб, ҳуқуқ ва эркинликлари доимо қонун билан ҳимояланганлигини яхши англаганлар, шу сабабли юрист тимсоли - фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини моҳир ҳимоячиси, ижтимоий тартибнинг қафолатчиси ҳисобланган. Айни шундай мазмун-моҳият касб этган асарлар ижодкори Джон Гришэм ҳисобланади.

1955 йилда туғилган Жон Гришэм Миссиссипи университетини тамомлаб, ҳуқуқшунослик даражасини олган ва 1991 йилгача Жанубий Ҳавен (Миссиссипи) шаҳрида адвокат бўлиб ишлаган. Унинг илк «Қотиллик вақти» (Time to Kill) романи 1989 йилда нашр этилиб, кейинги асарлари босқичма-босқич дунё юзини кўрган. Масалан, Фирма (The Firm, 1991), Пеликанлар иши (The Pelican Brief, 1992), Мижоз (The Client, 1993) ва бошқалар шулар жумласидандир [2; Б. 3-12]. Ушбу китоблар дунёдаги энг кўп сотилган асарлар саналади. Шу боисдан бўлса керак, Жон Гришэм қонун амалиётини тўхтатиб ва бутун умрини ёзувчиликка бағишлаган. Агар ўша вақтнинг “hard boiled” “қайноқ сюжетли” детектив романларнинг бош қаҳрамонларидан бири хусусий терговчи, полиция жараёни хақидаги детективнинг бош

қахрамони - полиция инспектори бўлса, юридик триллер бош қахрамони эса – ўзининг касбий фаолиятида бўлган юрист ҳисобланган.

Юридик триллерда, инсон руҳиятига “hard boiled” “қайноқ сюжетли” детективдан фарқли ўларок, ёзувчи ва ўқувчи асосан жиноятчини аниқлаш ва жиноят юз бериш ҳолатларига алоҳида аҳамият берилади. Бунда ёзувчининг мақсади – жамиятда ҳуқуқий тизим қандай ишлаётганлигини, адолатни қандай бошқаришни тушунтиришдан иборат бўлади. Масалан, Жон Гришэмнинг “hard boiled” “қайноқ сюжетли” романлардаги қахрамон иккиламчи оппозицияга эга яъни бир томондан бу инсон ўзининг адолат ҳақидаги фикрига ва бошқа томондан бу инсон ижтимоий-коммуникатив ҳамжамиятига эга бўлган инсон қиёфасида гавдаланади. Бунда асар қахрамони очкўз ва бузуқ корпорациялар, суғурта компаниялари, банклар, кўп миллатли компаниялар билан кураш олиб боради. Асарда бу даҳшатли кучлар кўпинча “тизим” сўзи билан ифодаланади ва ушбу тизим давлат муассасалари ва корпоратив менталитет ҳолатини акс эттиради ҳамда қахрамон бундай тизим тажовузлардан ўзини ҳимоя қилишга интилади. “Бу тизим ҳар доим ҳам адолатли эмас, лекин Нью-Йорк, Массачусетс ёки Калифорнияда бўлгани каби адолатли” [2; Б. 3-12] кўриниш касб этиши мумкин. “Эндиликда тизимда бир нечта муваффақиятсизлик юз берди. Энг ёмони, тизим энди уни қамокхонага олиб кетиш, уни йўқ қилиш, унинг болаларини етим қилишга ҳаракат қилиши мумкин” [6; 139 б]. “Бу тизимга бўйсунмаган ҳар бир ўн бир ёшли болани жойлаштириб қўйиш мумкин бўлган турли жазолаш масканлари мавжуд. Ҳозирги вақтда, унинг камида йигирма нафар мижози Теннесее штатининг турли ҳудудларида истиқомат қилади. Энг каттаси ўн олти ёш. Ҳар бир инсон баланд девор орқасида ва ҳимоя остида яшамоқда. Илгари, бундай муассасалар “Меҳнат колониялари” дейилган бўлса, ҳозирги кунда - таълим муассасалари деб аталади. “Бутун шовқин-сурон пайтида Марк ҳатто ҳаракат ҳам қилмади. Регги жараёнда ютдимми ёки ютқаздимми, у бефарқ эди. Ёш болани шундай кўрқинчли вазиятга юзлаштириш, яъни бир бирини бўғиб ўлдиришга тайёр бўлган адвокат ва судьяларга, адолатсизлик эди. Ўша вазиятдаги ишлатиладиган атамалар ва ҳукм сураётган кодекслар орасида у нима қилиш кераклигини англаши керак эди” [5; 139 б].

Жон Гришэм томонидан яратилган романларда баъзан инсон ҳиссиётга берилишингиз мумкин, ва бу эса ўқувчини сентименталликка етаклайди. Бу хусусиятлар кўп жihatдан романларнинг бош қахрамонларини субъектив танланишига сабаб бўлади. Масалан, “Пеликанлар ишида” ёш қиз; “Мижоз”

романида - ўн бир ёшли бола; “Олтин ёмғир” романида - ёш, эндигина ҳуқуқшунос дипломини олган қаҳрамон айна шу мураккаб рухий ҳолатни бошидан кечиради. Буларнинг барчаси жуда оз ҳаётий тажрибага эга бўлган, улар “тизим” дан тўлиқ таъсирланмаган ва унда юз бераётган воқеаларни тўғридан тўғри идрок этиш ва уларга етарли даражада жавоб бериш қобилиятига эга бўлмаган инсонлардир. Улар соддалиги ва ахлоқий поклиги туфайли, атрофдаги дунёда руҳсиз, бетакрор, сохта ва ғайриинсонийларга воқеа –ҳодисаларга салбий муносабатда бўлишган.

Жон Гришэмнинг асарларида инсоний (шахсий) ўлчовлар одатда оилавий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам жорий қилинганлигини кузатиш мумкин. Кўриб чиқилаётган суд иши унинг асарларидаги бош қаҳрамонларнинг шахсий ҳаётига боғлиқ ҳолда акс эттирилади. Масалан, “Ўлдириш вақти” романида ота ўз қизи учун қасос олади; “Пеликанлар иши”да қотилнинг қурбонларидан бири бош қаҳрамонни севади; «Мижозлар» романида бир томондан, қийин шароитларда жасорат билан курашаётган оила, бошқа томондан худди шундай вазиятда бўлган аёл – адвокат; «Камера» романида ўз қариндоши бўлган ўлимга маҳкум қилинган инсонни ҳимоя қилиши; «Олтин ёмғир» романида ўз ўғлини йўқотган оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиниши; «Ҳукм» романида тамаки компаниялари жиноий жавобгарлиги, тамакидан ўлган асосий қаҳрамоннинг онаси учун қасос олишга ҳаракат қилган инсон сифатида гавдаланади. Шундай қилиб, асар қаҳрамонлари қуруқ ва бироз бюрократик таркибли жараёнга ҳиссий, мазмунли ва шахсиятга тегишли бўлган вазиятларга дуч келади.

Жон Гришэм романларининг кўпчилигида ушбу инсоний мақсадга эришишда икки томонла хизмат қилади. Одатда, бу жуфтлик бош қаҳрамон ва унинг содиқ ёрдамчисидан ташкил топган, агар бош қаҳрамон эркак киши бўлса унинг ёрдамчиси аёл киши бўлади ёки аксинча. («Пеликанлар иши»). Биринчи марта бу дихотомия (икки томонлама ёндашув) «Ўлдириш вақти келди» романида Эллен Рорк образида намоён бўлди, бу аёл ўз хоҳиши билан Джейк Брайгеннинг ёрдамчиси бўлган, бундай нарса Жон Гришэмнинг суд жараёнига тегишли бўлган барча асарларида учрайди. Бу жуфтликнинг асосий вазифаси - инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамдардликка, беғараз ёрдамга асослангани инсоний муносабатлар билан суд машинасининг инсонга бўлган муносабати ўртасида зиддиятни вужудга келтиришдан иборатдир.

Шахсият бюрократияга қарши курашган қаҳрамон образи “Мижоз” романида 11 ёшли Марк исми бола ва адвокат Реджи ўртасида тузилган

шартнома орқали ёритилади. “Реджи боланинг охирги долларини олишни истамасди, лекин у бу ишни қилишга мажбур бўлди, чунки бу одатий йўл бўлиб, бу бола қачон бўлса ҳам бу ҳақни Реджигга тўлар эди. Бундан ташқари, бу бола адвокат ёллаганидан жуда ғурурланади. Реджи бу пулни унга қайтариш йўлини топади. 11 ёшли боладан адвокат хизмати учун олинган рамзий тўлов – бу мажбурликдан қилинган иш сифатида ифодаланган – яъни, “йўлига” маъносида намоён бўлади. Бу аёлнинг ёрдамга мухтож боланинг тақдири билан ҳеч қандай қизиқиши йўқ. Ушбу схема асардаги жуда самарали ифодалаш усулидир. Бу, масалан, «Олтин ёмғир» романидаги севги муносабати ҳақидаги танқидий фикр. “Бу, албатта, асосий фитнани амалга ошириш учун ҳеч нарса йўқ, лекин ёзувчи севиб қолган Руди Байлорсиз ҳиссий ва шахсий саҳна тўлиқ бўлмас эди, шунинг учун ёзувчи деярли автоматик равишда, сунъий қаҳрамонни яратади” [1; 309 б].

Жон Гришэм «Пеликанлар иши» асарида мураккаб ижтимоий тузилмаларни (суд тизими, маҳфий хизмат, корпорациялар) тасвирлашда ушбу тамойил сақланади: ёзувчи қаҳри қаттиқ жамият механизми ролида келган инсон билан унинг шахсий фазилатлари ўртасидаги фарқни ишлаб чиқади. Масалан, бу асарда битта қаҳрамонни - “ФҚБ” директори Дентон Войлзни икки хил вазиятда қабул қилиш мавжуд. Биринчи вазият бу – унинг ичкарига ўзининг қўл остидагилари ўртасида кириб келиши, бу вақтда у ўзи орқали жуда кучли маҳфий хизматни намоёни қилишга ҳаракат қилган. “У янгиликлар холлидан Льюисо К.О. ва иккита агент ҳамроҳлигида ўтиб кетди. Унинг эғнида оддий ғижим френч ва унинг қоматини аниқ қилиб кўрсатадиган камари бор эди. У кимгадир зарба бериш учун келаётгани йўқ эди, лекин унинг юриши ва ўзини тутиши шубҳасиз уни ҳамма нарсага қодир эканлигини кўрсатар эди. Ранги тўқ костюмлардаги ҳамма одамлар унинг тутинган отасининг соқчиларига ўхшар эдилар. Улар кириб келганларида янгиликлар холлида ҳамма тинчиб қолди. У зарба бермаган тақдирда ҳам, камтаринми ёки йўқми, Ф.Дентон Войлз юқори поғонада турар эди. Акс ҳолда, у романнинг асосий қаҳрамони сифатида намоён бўлади: «Аввалига уни ёқтирмадим, лекин у кўзларим олдида ўсиб улгайгандек туюлди. Унда инсонийлик бор эди.» [3; 355 б]. Унинг миёсидаги биринчи фикрнинг ўзгаришининг сабаби оддий: Войлз унинг ҳаётига кириб келиб, унинг ишончига кириб, у билан алоқа ўрнатди. “У Войлзни ёқтирмади, чунки Войлз биринчи учрашувдаёқ 10 дақиқанинг ичида ҳамма нарсани очиқчасига гапирди” [3; 366 б]. ФҚБ директорининг энг кўзга кўринган фазилати унинг очиқлиги ва инсонийлиги эди. “Мижоз романида икки хил

ҳаётий зиддият ифодаланган: бюрократик суд ва инсон. Бу зиддият куйидагича: уларнинг бири учун (адвокат Реджи Лав ва боланинг онаси) бир томонда Марк - 11 ёшли бола, иккинчи томонда – айбловнинг ҳақиқий гувоҳи, ўша пайтда покуратура ва ФҚБ учун у энг асосий гувоҳ эди. Суд машинасидаги бир қисмчалардан бири эди” [6; 135 б].

Жон Гришэмнинг драматургиясида бир ёки бир неча кишининг ҳатти-ҳаракатлари бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қарамлиги ётади. Гришэмнинг романларидаги айбдор қаҳрамонлар тинч яшаш учун ўйиндан чиқиб кетишни хоҳлар эдилар, лекин бунинг иложиси йуқ (“Пеликанлар иши”). “У мамлакатдан чиқиб кетади, балки Монреаль ёки Колгарига. У ўша юртларда жиноят очилиб унинг пойлоқчиларини тутишади деб умид билан яшириниб юради. Лекин барча исбот ва далилларни фақатгина у ҳаммадан кўпроқ билар эди” [2; Б 3-12]. «Мижоз» романи худди шу шаклда бўйича қурилган. Гришэм суд қарорини ёш боланинг иродаси ва онгига боғлиқ ҳолда қуради. Охир-оқибат, ҳар қандай ҳуқуқий жараённинг натижаси унинг иштирокчиларининг муайян ҳаракатларининг натижасидир, чунки бутун суд тизими гўёки бир майдонда юз беради ва ушбу жараёнда инсоннинг шахсий фазилатлари намоён бўлади.

Жон Гришэм “Пеликанлар иши” романини қандай яратганини куйидагича изоҳлайди: “Мени ҳар доим Олий суди қарорларининг оқибатлари безовта қилиб келган. Овоз беришда бешта нафар одамга тўрт нафар одам тўғри келган. Бу ҳолатда судьялар ўртасида чуқур бўлиниш (ажралиш) юз бериши мумкин. Бир нафар одамнинг овоз бериши ёки бермаслиги бутун суд қарорини тескарисига айлантириши мумкин”. «Пеликанлар иши» романининг бутун ғайриоддийлиги - муносиб бўлмаган шахсий фазилатли бир судьяни тўғри қарор қабул қила оладиган бошқа бир судьяга алмаштиришда кўринади.

“Қотиллик вақти” романида Джейка Брайгенснинг юкори лавозимдаги касбдошининг айтишича, бу жараён суд тизимининг сифатини намоён қилади: “Тизим ўзида жамиятнинг ҳолатини акс эттиради. Тизим ҳар доим ҳам адолатли эмас, аммо Нью-Йорк, Массачусетс ёки Калифорния штатидаги тизимдан адолатлироқ. У шунчалик адолатлики, инсоннинг ўзи уни ўз ҳиссиётларига бўйсундира олади” [2; Б 3-12].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, Жон Гришэмнинг асарларида, агар инсоннинг иродаси бўлса, у адолат ва мақсадига эришиш учун максимал куч сарфлайди, тизим унга бўйсунди, шахсий фазилатларини англаш воситаси бўлади ва у охир-оқибат муваффақиятга

эришади. Акс ҳолда, у тизимга тўлиқ боғланиб, гаровга олинади ва тизимни ишлата оладиганларга қарам бўлади. Бу жараёнда “яхши” ва “ёмон” адвокатлар қарама қарши кўйилади. Ёмон адвокат эга бўлган фазилатлар мафия бошлиғи томонидан ўрнатилган талабномада кўрсатилян : “Унга ўзи хоҳлаган пайтда кўнғирок қилиб учраша оладиган, ўтириб бирга ича оладиган ва зарур пайтда хизматчи топиб бера оладиган адвокат керак эди. Ҳақиқий адвокат!” [5; 31 б]. Яъни Мафиянинг фикрича, - бу шахсий фазилатларидан маҳрум бўлган, ўйиндаги югурдак инсондир ва бу инсонни ўйинни бошқариб турган инсонлар ёллашган. Мафия хизматчиларининг виждонсизлиги, табиийки, уларни шахсий фазилатларидан маҳрум қилади, оқибатда уларни омадсизликка етаклайди: муаллифнинг ёзишича, ёмон адвокатлар обрў-эътиборли бўлишларига қарамаслан суд жараёнида кўпроқ ютқазадилар

Инсон ўлчами, Жон Гришэмнинг суд тизимига бўлган эътибори билан кузатилмоқда. - Шу ҳолатда ғалати бир парадокс кўзга ташланади: Гришэмнинг қаҳрамонлари ҳар доим қонун оламида қоқиладилар. “Камера” романида бу ҳолат яққол кўринади: “Бир оз вақтдан сўнг Адам уришишни тўхтатди. Бир шиша шаропни ичиб бўлгач, уни машинаси деразасидан ташқарига отиб юборди ва бу билан Миссиссипи штатидаги жамоат жойларини ифлослангириш мумкин эмаслиги ҳақидаги қонунни бузди. Энди у Миссиссипи штатининг ҳолати ва унинг қонунлари тўғрисида ўз фикрини билдиришга сўз тополмайди” [4; 585 б]. Қонунга бўйсунмайдиган юристлар Гришэмнинг қаҳрамонларига хос фазилатдир. Бундай қаҳрамонлар Гришэмнинг “Фирма”, “Пеликанлар иши”, «Олтин ёмғир», «Хукм» романларида учрайди ва бу қаҳрамонлар қонун дунёсидаги ўз мансабларини тарк этадилар. Бир қарашда, ҳакамлар институти худди шундай баҳоланади. Унинг учта асосий камчиликлари бор. Биринчидан, унинг қарорларини олдиндан айтиб бўлмайди; иккинчидан, суднинг шахсий таркиби - бу шундай объектки, у даъвогар ва судланувчи томонидан манипуляция қилинади, яъни бошқарилади. Чунки, уларнинг вазифаси улар учун керак бўлган ҳукми чиқаришдир. Учинчидан, суд хизматчиларининг касбий маҳорати паст бўлгани сабабли, улар қарор қабул қилиш вақтида ўз ҳиссиётларига бериладидар.

«Энг муҳими - ҳакамлардир. Айбдорлик айбсизликка қарши. Озодлик қамоққа қарши. Ҳаёт ўлимга қарши. Бу нарсаларни Судя ҳал қилади. Тирик Джоннинг бир бутун ҳаётини 12 нафар бетайин ва қонунни етарли даражада тушунмайдиган инсонларга топшириш - ишончсиз нарса» [6; 244 б]. Бирок,

бу камчиликлар қуйидаги формула билан қисқартирилиши мумкин: ҳакамлар ҳайъати судида қатнашувчилар тирик одамларнинг тақдирини ҳал қилишади. Суд жараёнида қатнашиш билан, улар қонун кодекслари ва тартибларини четлаб ўтмайдилар, албатта. Шу билан биргаликда улар бу жараёнда шахсий ниятларини ҳам амалга оширадилар. Шунинг учун, одатий ва ҳиссиётларга асосланган ҳолда олинган қабул қилинган қарорлар кўп ҳолларда тўғри, яъни адолатли бўлиб чиқади. Тажрибали адвокат Жейк Брайтгенсга «Қотиллик вақти» романида шундай ваъда беради: «Олдинда энг қийин нарса турибди», дейди Лусиен. - Қутиш керак, бу ўн икки фуқаро тугатмагунча. «Тентак тизим, а?» - Ҳа, тентак тизим. Лекин, одатда, у ишлайди. Юз фоиздан 90 фоиз ҳолатларда Суд хизматчилари ҳақ бўлиб чиқадилар» [4; 246 б].

Тизим ақлдан озган, лекин оддий одамлар камдан-кам ҳолларда мутахассисларга караганда (тизимнинг гаровдаги одамлари) хатоларга йўл қўйишади. Бу ҳайъат жараёнининг муваффақияти ундаги суд хизматчиларининг қонун ва далилларни манипуляция қилиш маҳорати билан эмас, балки суд хизматчилари билан шахсий-ҳиссий алоқа ўрнатиш, яъни бу вазиятга инсонийлик ўлчамларини киритиш билан белгиланади. Бу суд хизматчилари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаққоний эканлигини белгилайди.

«Қотиллик вақти» романида адвокат ўз миждога: «Сиз қотиллик ишида суд нима эканини биласиз, сиз ўзингиз бу жараёнда иштирок этдингиз. Учрашув хонасидан чиқиш вақтида ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг кайфияти қанчалик муҳимлигини тушуниш сиз учун қийин эмас. Ўша онда сизнинг ҳаётингиз уларнинг қўлида. Ўн икки киши, ҳаммаси битта маҳаллий аҳоли учун йиғилиб, мунозара қилишади ва сиз учун яшаш ёки яшамаслик ҳақида қарор қабул қиладилар. Ҳамма нарса ҳакамларга боғлиқ. Шунинг учун улар билан тил топишиш жуда муҳим» [6; 546 б].

Жон Гришэмнинг романларида касбий маҳорат, ноаниқ ҳаракат ва судларнинг жўшқинлигининг ортиши уларни қарор қилишда хато қилишдан сақлайди. Аҳолининг қалбидан ўтган далил ва исботлар ҳақиқий, жонли ва реал фактларга айланиб, бу фактлар асосида ҳаққоний қарор қабул қилинади.

Ўлим жазоси масаласини талқин қилишда ҳакамлик судлари институтини баҳолаш мезонлари ҳам мавжуд. Бу муаммо Жон Гришэмнинг икки романига: «Қотиллик вақти» ва «Камера» асарларига тааллуқлидир.

«Қотиллик вақти» романида Жейк Брайгенс бу жазо чорасини қўллаш учун ўзининг асосини беради:

«Тушунарли. Лекин сиз қандай қилиб ким ўлишга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини аниқлайсиз? Сиз жиноятчига ва унинг қилган ишларига қарайсиз. Агар у уч яшар қизнинг номусига тажовуз қилиб, унинг бошини ифлос сув билан бир қўлмакка қўйиб чўқтирса, ва сўнг бутун вужудини кўприқдан ташлаб юборса, сиз унинг ҳаётини бемалол оласиз, -Худога шукур. Агар қамоқдан қочган маҳбус фермага бориб, қариган эри-хотинни мазах қилиб, сўнг уларни ёқиб юборса, сиз бу маҳбусни стулга ўтказиб, унинг оёқ қўлини камар билан боғлаб, сим билан ўраб токни ёқасиз ва унинг жони учун ҳамду сано айтасиз. Агар икки нафар гиёҳванд бир боланинг номусига тажовуз қилиб, камига уни калтаклаб, оёқларидаги оғир молбоқарларнинг этиклари билан уни тепиб, жағини синдирсалар, сизлар уларни газ камерасига қамаб, камера шиша ойнасидан уларни қандай қийналишини томоша қиласизлар. Бу сизлар учун оддий ҳолат. Бу - ўзбошимчалик. Ўзбошимчалик – бу жиноят. Ўлим улар учун энг юмшоқ жазо” [6; 348-349 б].

«Камера» романида ўлим жазоси масаласига тўғридан-тўғри қарама-қарши муносабат берилган: “Улар Сем билан нима қилишмоқчи эканликларини тушунаяпсизми? - Ҳукми ижро этиш. - Тўғри, ҳукми ижро этиш, газ билан захарлаб ўлдириш, ўликка айлантириш – қандай хоҳласангиз ифодаланг. Лекин бу –қотиллик, Кармен. Қонунлаштирилган қотиллик. Мен қотилликка қаршиман ва уни олдини олиш учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Бу ифлос иш, агар ахлоқий масалалар йўл тўсадиган бўлса, мен уларни супуриб ташлайман” [4; 348-349 б]. Иккала нуқтаи назар бош қахрамонлар томонидан билдирилган, муаллиф уларни буюк ҳамдardлик билан тасвирлайди ҳамда улар ёрдамида ўзининг шахсий фикрларини ифодалайди.

Юқоридаги иккита фикр орасида қарама-қаршилиқ бордек туюлади. Биринчи вазиятда оддий бир инсоннинг шафқатсиз жиноятга нисбатан муносабати ҳақида гапирилаяпти. Мисол тариқасида жиноят қурбонининг ҳиссий кечинмалари келтирилаяпти. Шу маънода, ўлим жазоси, ўз-ўзини мудофаа қилишнинг энг самарали ва маъқул усули деб қаралиши мумкин: ўзбошимчаликка ўзбошимчалик билан жавоб қайтариш.

«Камера» романида муаллифнинг диққат марказида ўлим жазоси суд механизмининг элементи туради. Бу механизм қилинган жиноятга жавоб бўлиб эмас, балки сиёсий қурол бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолатда жамиятни ўша ўлим жазоси орақасида тирик инсонлар туриши қизиқтирмайди.

«Жиноятлар қанчалик оғир бўлса, инсонлар шунчалик ўлим жазосини кўп талаб қиладилар. Инсонлар жамият қотиллардан қутулади деб ҳисоблайдилар. Сиёсатчилар сайловолди компаниялари билан ишлайдилар, камокхоналарни кўпайтиришни ваъда қиладилар, жазоларни кучайтириб, ўлим жазосини кўпайтирадилар» [4; 118 б]. «Сэм бошиданок давлат ҳокимияти уни ўлдириш нияти борлигини айтди. Миссисипи штати Луизиана, Техас ва Флорида штатларидан орқада қолган эди, ҳаттоки Алабама ва Виржиниядан ҳам орқада эди. Бу штатларда ўлим жазосини кўпроқ қўллашар эди. Бу нарса билан курашиш лозим эди. Судлар чексиз апелляциялар (ишни қайта кўриб чиқиш) билан тўлиб кетган эди. Жиноят гуллаб кетаётган эди. Бутун мамлакатга бу штатда қонун ва тартибга жиддий қаралаётганликни кўрсатиш ва исбот қилиш учун кимнидир ўлимга маҳкум қилиш вақти келган эди» [3; 585 б].

«Камера» романида ўлим жазосига маҳкум қилинган жиноятчилар сиёсий тизим томондан гаровга олиниб, улардан қилган жиноятлари бўйича эмас, балки қисқа муддатли иқтисодий вазиятда фойдаланилади. «Сэм сигарета чекди ва тамаки тутуни ёмғир томчиларига қарши кўтарилаётганига қараб турар эди. Суд тизимида даҳшатли воқеалар юз бераяпти. Бугун суд бугун бир қарор қабул қилса, эртага бошқача қарор қабул қилади. Ўша судьяларнинг ўзлари бир хил иш юзасидан ҳар хил қарор чиқарадилар. Суд тақдим қилинган арзнома, мурожаатнома ва апелляцияларни бир неча йил давомида ҳисобга олмай, бироқ бир кун келиб қисқа вақт ичида бу ҳужжатларни тан олиб, маҳбусга енгиллик яратиши мумкин. Судьялар вафот этиб, уларнинг ўрнига бошқалари келади ва умуман бошқача иш тутадилар. Президентлар келади ва кетади, келганлари суд органларига ўз таниш-билишларини жойлаштирадилар. Олий суд бир у томонга, бир бошқа томонга судралиб юраверади» [4; 225-226 б].

Жон Гришэмнинг романларида мантқиққа мос келмайдиган вазият таърифланади: инсонлар қанчалик ўлим жазосига яқин бўлсалар, улар шунчалик унга қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. Ўлим жазоси фақатгина ўзидан йироқда бўлган оддий инсонлар томонидан қўллаб қувватланади. Юқорида кўрсатилган диалогда бош қаҳрамон Адам Кейхолл тинч осуда ҳаёт кечираётган ёш синглисига берилган шафқатсиз ўлим жазосини тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўша вақтнинг ўзида ўлим жазосини амалга оширувчилар (яъни жаллодлар) тўғридан тўғри жиноятчилар билан алоқада бўладилар ва табиий ҳолда ўлим жазосига қарши бўладилар. Масалан, «камокхона бошлиғи ўлим жазосига бутунлай қарши. У жамият бу жазо

турини қўллаб –қувватлашини тушунар эди ва аллақачон бу жазо турининг далил ва сабабларини ёдлаб олган эди – бу қасос олиш учун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиради, қотилларни йўқ қилишга хизмат қилади. Бу ҳақида Библия деб аталаган Муқаддас китобда ҳам ёзилган, бу жазо фавқуллоҳда чора бўлиб, жиноят қурбонларининг азобларини енгиллаштиради» [4; 120 б].

Жон Гришэм шундай дейди: «Қатлнинг амалга оширилиши унинг елкасида эди, у ўз касбининг мана шу томонига нафрат билан қарар эди. Филипп Нейфи айбланувчи билан камерадан чиқаётган эди, улар изоляторга кетишаётган эдилар, жиноятчининг ўлимига азобли ярим соат қолган эди. Филипп Нейфи жиноятчининг оёқ-қўллари яхшилаб маҳкам боғланганми ёки йўқми қараб чиқаётган эди.

Ўлим жазосини белгиловчиларга бу жиноятчи шунчаки бир қолишга ўхшаш ёки расмиятчиликдек нарса эди, лекин қамоқхона бошлиғи учун - у бир тирик инсон эди. Шундай қилиб, бош қаҳрамон икки нарсанинг ўртасида зиддиятли вазиятда қолаётган бир шахс, яъни кучли ижтимоий институт ҳисобланган, ақлий, маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳамда руҳий рағбатлантирилган кучга эга бўлган “ўлим жазоси” сабабли йўқ бўлиб кетаётган инсоний ҳиссиётлар ўртасида қолган эди. Қачонки инсоннинг фикрлари ақидаларга асосланган бўлса, ёки у инсон мавҳум фикрлар орқасида яширинган бўлса, у ўлим жазосига оддий ёндашса бўлади. Бир қамоқхона аъзосининг тутган йўли қуйидагича ифодаланади:

«Пеккер қатлга нафрат билан қарар эди. У ўлим жазосини фақатгина диндор шахс бўлгани учун қабул қилар эди, Библия Муқаддас китобида ёзилган: жонга жон, қонга қон. Бу ўлим жазоси ҳақида» [4; 155 б]ю

Вазиятнинг энг даҳшатли ва кўрқинчли томони шундаки, ҳеч ким Сэм Кейхоллга ўлим тиламаган, бу инсоннинг тақдири дикқат марказида бўлган. У ўзининг ўлим жазосида қатнашадиган инсонларнинг унга қилаётган муносабатлари ҳақида шундай дейди: «Аслида, мени ўлдиришни ҳеч ким истамайди. Қандайдир эси паст, тўққиз бармоқли бир жаллод ўлим жазоси ҳукмини амалга оширади. Агар ундан оёқ-қўлимни қачон боғлашади деб сўрасанг, у: «Мен ўз вазифамни бажаряпман» деб жавоб беради. Мени олиб борадиган қамоқхона руҳонийси, қамоқхона шифокори, қамоқхона психиатри, соқчи ва мени газ камерадан олиб чиқадиган навбатчи тиббиёт ходими - буларнинг ҳаммаси жуда яхши йигитлар, улар менга умуман қарши эмаслар. Улар шунчаки ўз вазифаларини адо этишяпти» [4; 194 б].

Сэм мавҳум тамойилларнинг қурбони бўлиб ушбу тамойиллар орқасида тирик инсон ва унинг шахсияти йўқ бўлиб кетмоқда. У унга белгиланган

ўлим жазосини амалга оширувчилар билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни истамайди. Ҳимоячилар Сэмни навбатдаги сиёсий намойиш учун асос қилиб кўрсатишади. Унинг газ камерасига тушишига сабаб бўлган жинояти қурбонларга бўлган шахсий адовати туфайли содир бўлмаган, балки ўша пайтда Жанубий Америкада мавжуд бўлган иркий фикрлар туфайли қилинган буйруқ асосида содир бўлган жиноятдир. Жон Гришэмнинг ушбу романини энг машҳур романларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ноодатий бўлган Сэм Кейхолл образи эса кетма кетликда кўпроқ таъсирли Жон Гришэм ижодининг асосий ғоявий қарама –қаршилигини очиб беришида кўрамуз: бир томонда бир инсон ҳаёт тизимининг бир қисми бўлиб, ушбу тизимнинг камчиликларини ўзига сингдиради, ва бошқа томондан ушбу тизимга қарши бўлган фактор бу инсон туриши, бу инсон тизимининг қурбонига ёки ғолибига айланади.

Хулоса сифати шуни айтиш мумкинки, фалсафий нуқтаи назардан қараганимизда Жон Гришэмнинг юридик триллерларида олам гўёки бир майдон бўлиб, бу майдонда ижтимоий тизим ниҳоятда катта ҳамда улар беқиёс фаолият кўрсатади. Ушбу тизимнинг ҳукм ижросида инсон фактори кўндаланг тургани яққол кўзга ташланади. Джон Гришэм инсонга нисбатан шафқатсиз қонунлар ва бутун тизимни фош қилиш мақсадида ҳамда адолатни ўрнатиш учун ўзининг асарларида инсон ва тизим ўртасидаги яққола – яққола жанглари ўзига хос тасвирлайди. Шу туфайли XX аср охирида Америка юридик триллерида адолат-ҳиссий ва шахсий характерга эга бўлган адабиётлар юзага келди. Жон Гришэм кўп асарларининг охирида унинг қаҳрамонларининг ғалабаси шуни кўрсатдики, инсон характер хусусиятига кўра мураккаблик даражасига боғлиқ бўлиб, у ҳар қандай мураккаб ва мукамал системалаштирилган механизм ёки машинадан ҳам устун туриши ва қучли эканлигини яна бир бор исботлади.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Pringle M. John Grisham: a critical companion – Westport, Connecticut: Greenwood Press, 1997.
2. Агеева М. Г. Человек и система в юридическом триллере Джона Гришэма и Вестник Удмуртского университета. № 5. вып. 2. спецвып. Филологические науки. - 2007.
3. Гришэм Д. Дело о пеликанах М.: Изд-во «Новости», 1993.
4. Гришэм Д. Камера. М.: Центрполиграф, 1994.

5. Гришэм Д. Клиент М.: АО «Изд-во «Новости», 1994.
6. Гришэм Д. Пора убивать. М.: Изд-во «Новости», 1994.